


TAMADDUN NURI

Har qanday
taraqqiyotning
asosi fandır

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, ISSN 2181-8258
adabiy-badiiy jurnal

2018-yil, 4-son



**Абу Райхон
БЕРУНИЙ
1045 ЁШДА**

ABU RAYHON
BERUNIY

САТРАЛАР ЗАМИРИДАГИ МОҲИЯТ

"Одатда катта ижодкорлар даврнинг бутун дарду аламларини, қувончу ташвишларини, ҳулласи, асосий хусусиятларини ўз шахси призмасидан ўтказиши ва дунёга келган "ҳосилани" асар мағзига яширади. Атрофдаги бошқа санъаткорларнинг ёхуд энди тетапоя бўлаётган ёш ижодкорларнинг бадий дидларининг шаклланиши ва камол топишида мазкур "ҳосиланинг" ўрни бекиёсдир. Асримиз тонготарида Чўлпон, 60-70-йилларда эса Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовлар ана шундай "ҳосила" яратган шоирлар эдилар", – деб ёзади У.Ҳамдам.

Чиндан ҳам ўзбекнинг икки буюк ижодкори – Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ўз даврининг юзига айлана олган шеърият намуналарини яратди. Ҳар икки шоир бир вақтда, бир хил овозда, бир хил дард билан адабиёт оламига кириб келди. Шу боис уларнинг туйғулари, ифода усули, дунёқараши ўртасида катта боғлиқлик мавжуд. Шоирларнинг кўплаб юртларга саёҳат ва сафарлари натижаси ўлароқ дунёга келган ижод намуналари ҳақида ҳам айтиш шундай фикрларни айтиш мумкин. Шу жиҳатдан маҳорат ва истеъдод жиҳатидан бу икки ижодкорнинг ижод намуналарини ўзаро қиёслаш адабиётшунослик илмининг ютуғи бўла олади, дейишимиз мумкин.

Абдулла Орипов 2015 йил Ҳьюстонда яратган "Тенглик" шеърида қуйидагича ёзади:

*Қачон бойваччалар бу ҳолни ангалар,
Рақиб бўлмас аҳволи тангалар.
Арслон чиқмас сира арслон овиға,
Унга ярашади фил билан жангалар.*

Бу мисралар ҳазрат Навоийнинг "Керак шер олдида ҳам шери жанги, Агар шер ўлмасе, боре паланги" мисраларини ёдимизга солади. Дарҳақиқат, чинакам истеъдодлар ўз ўрни ва ўз қадрини билади. Шу жиҳатдан Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижоди ўзаро чоғиштирувга муносиб. Улар саёҳатномаларидаги бадий мукамаллик, ўзига хослик ва бетакрорлик фикримиз исботидир. Эркин Воҳидовнинг "Канада дафтари", "Кавказ шеърлари" каби туркум ижодий намуналари руҳан ва мазмунан Абдулла Орипов саёҳатномалари билан ўхшаш ва ҳамоҳангдир. Жумладан, Эркин Воҳидовнинг "Кавказ шеърлари" туркумининг бошланмасиёқ юқоридаги таъкидларимизни тасдиқлайди. Шоирнинг ушбу туркуми гўзал Кавказ тасвири, яъни шоирона бадий пейзаж билан бошланади:

*Ухлар экан денгиз ёпиб туман кўрпасин,
Нозик кема тарк айлади Боку кўрфазин.
Мавжлар узра қалқиб борар зангор ҳавода,
Оқ ёлканни тебратди тонгги шаббода.*



**Гулрух
ХУДОЁРОВА,**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети-нинг магистратура бўлимини тугатган. "Биринчи китобим" пойиҳаси доирасида "Сен ҳақингда сўз айтсам" шеърий тўплами кўп миња нусхада чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Республика "Истеъдод мактаби" VIII семинари иштирокчиси.

Калит сўзлар:
қиёсий таҳлил, "Италия", саёҳатнома, бадий пейзаж, саёҳат, сафар, умум-башарий тоя.

Ключевые слова:
сопоставительный анализ, "Италия", путевые записки, художественный пейзаж, путешествие, общечеловеческая идея.

Key words:
comparative analysis, Italy, travel journal, literary image, travel, journey, general concept.

Абдулла Орипов саёхатномаларининг ҳам бошланмасига назар ташлайдиган бўлсак, айти шу ҳолга дуч келамиз. У ҳам саёхатномалардаги биринчи шеърларда асосан, ўзи саёхат қилаётган ўлканинг гўзалликларини таърифлайди. Жумладан, "Италия туркуми"даги дастлабки шеър "Италия" деб номланади ва шоир худди Эркин Воҳидов каби Италиянинг гўзал манзараларини тасвирлайди:

*Йиллар ўтиб, мана, соғинчим тошиб,
Сенинг тупроғингга келдим мен қайта.
Яшил ўрмонларинг, тоғларинг ошиб,
Мовий денгизингга саломлар айта.*

Ҳар икки ижодкор учун ҳам табиат тасвири – пейзаж восита. Иккала шоир саёхатномаларида бирор ернинг гўзаллигини таърифлар экан, беихтиёр ҳаёллари ўз юрти ва ундаги гўзал масканлар билан боғланади. Шоирлар пейзаждан фойдаланган ҳолда ўз юртини ёдга олади. Жумладан Абдулла Орипов Италия манзараларини таърифлар экан, айти шу жараёнда ўз юртидаги гўзал масканларни эслайди. Чунки олис юрт гўзалликлари беихтиёр шоир ёдига ўз юрти манзараларини солади:

*Дўзах ҳар қайда бор ва лекин жаннат,
Ипакка ўралган дурдек ниҳондир.
Гар уни заминда ахтарсанг албат,
Бир сен, бириси Ўзбекистондир.*

Эркин Воҳидов ҳам худди Абдулла Орипов сингари олис ўлка гўзалликлари ҳақида сўзлаб туриб, ўз диёри ва унинг гўзалликларини ёдга олади. Шоир Арарат чўққиларида туриб унинг гўзаллигига маҳлиё бўлади, шоирона нигоҳ билан бу гўзалликни тасвирлайди:

*Оппоқ туманларга чулғаниб ётар,
Мовий самоларга туташган бошинг.
Бу юртда энг аввал сенда тонг отар,
Энг кейин тарк этар сени қуёшинг.*

Бу гўзалликлар шоир ёдига ўз Ватани гўзалликларини солади ва шоир ўз юрти ҳақида тўлқинланиб сўз очади:

*Қарагин, бир юрт бор денгиздан нари,
Қуёш ошиқ бўлиб кўз тиккан диёр.
Ҳарир кўйлак кийган оқ далалари,
Аму, Сир аталган дарёлари бор.*

Ўзга юрт гўзалликларини тасвирлаш шоирлар учун бир воситадек, наздимизда. Чунки ҳар икки ижодкор ҳам тасвир жараёнини ўз юрти гўзалликлари, мўъжизалари билан боғлаб юборади. Бойси ўзбекнинг икки фарзанди қалбида Ватан меҳри чексиз.

Вақт – оқар дарё. Ҳаёт эса бамисли зина. Инсон умри давомида шу зиналарни поғонама-поғона босиб ўтишга, янада юксалишга ҳаракат қилади. Лекин инсон юксалишга кўтарилгани сари жуда кўп нарсаларни йўқотганини, ҳаётнинг асл гўзалликларидан бебаҳра қолаётганини пайқамай қолади. Ҳаёт машаққатлари ҳеч қачон тугамайди. Ҳар кун бир юмуш кетидан иккинчиси тайёр туради. Иккала ижодкор ҳам инсон умри ҳаётнинг майда-чуйда ташвишларига кўмилиб, яшашнинг асл моҳиятини англамасдан ўтиб кетишига қарши. Бу фикрлар ҳар икки сўз кашшофларининг саёхатномаларида деярли бир хил акс эттирилади. Бу ҳақда Абдулла Орипов "Зиналар" шеърда шундай ёзади:

*Энг юксак пояга чиқолдинг у кун,
Уҳ тортдинг, сочингга қировлар инган.
Во ажаб, ўчганди энди турфа ун,
Меникидир деган овозлар тинган.*

Чиндан-да инсон умрининг охирига келибгина, ҳаётининг кўпгина дамлари мазмунсиз ўтганини, кераксиз нарсалар учун олиб-югурганини англайди. Афсуски, у лаҳзада анча кеч бўлган, инсон ҳаётининг асосий қисми ўтиб сочларига оқ оралаган бўлади. Абдулла Орипов англаган айти шу ҳақиқатни Эркин Воҳидов англамаслиги, ҳис қилмаслиги мумкин эмас эди. Шу боис Эркин Воҳидов ҳам "Учи тугик дастрўмол" шеърда шундай фикрни баён этади. Ҳаётнинг арзимаган юмушлардан баланд туришини, лекин аксарият ҳолларда бунинсонлар сочиға оқ тушган лаҳзаларга келиб англашини худди замондош ва туйғудош шоир дўсти Абдулла Орипов каби таъкидлайди:

*Бугунгидек яна саҳар турасан,
Ажратасан керакларнинг керагин...
Сочларингда бир тола оқ кўрасан,
Биринчи бор санчганида юрагинг.*



Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов саёҳатномаларидаги уйғунлик Эркин Воҳидовнинг "Канада дафтари" ва Абдулла Ориповнинг "Америка туркуми"да ҳам кузатилади. Ҳар икки ижодкор ҳам ўзи сафар қилган мамлакатларни фақат кўкка кўтариш билан чегараланмайди. Шоирлар бу мамлакатларнинг ўзига хос жиҳатларини мақтасалар-да, аслида у ерлардаги ҳаёт бир хил эмаслигини, инсон қадр-қиммати кимлар учундир арзимаган тушунча эканлигини баён этадилар. Бу ҳақда Абдулла Орипов "Икки Америка" шеърида қуйидагича ёзади:

*Ногаҳон туртиниб йиқилсанг, шу дам,
Ҳозир нозирдир ҳар иккаласи.
Бир мадад берар инсофга келиб,
Бир чўнтагингни кетади шилиб.*

Шоир тараққиёт юқорилаган бу каби мамлакатларда инсонлар бир-бирига безътибор бўлиб бораётганидан, барча муносабатлар манфаат асосига қурилганидан, марҳамат каби тушунчалар ўтмиш сарқитига айланганидан, ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқлигидан қаттиқ таъсирланади. Бу туйғулар шоирнинг "Лос-Анжелес кўчаларида" шеърида ўз ифодасини топади:

*Салом ҳам манфаат, алик – манфаат,
Яхшилик бу жойда гаройиб бир иш.
Кимгадир кўрсатсанг агар марҳамат,
Сенинг номинг бўлар сарқит ва ўтмиш.*

Абдулла Орипов ўз саёҳатномасида бу каби туйғуларини очиқ баён қилиб берса, Эркин Воҳидовнинг "Канада дафтари"да ҳам айна шу фикрлар ифодаси учрайди. "Лос-Анжелес кўчаларида" шеърининг моҳияти Эркин Воҳидовнинг "Кўча четидаги аёл" шеърида ҳам кузатилади. Фақат Эркин Воҳидов бу фикрларни Абдулла Ориповдан фарқли ўлароқ ўз тилидан эмас, кўчадаги хато йўлга кирган аёл тилидан баён этади:

*Ўйлаб кўрса
Эзгулик не,
Ахлоқ нодир?
Тўғрилиқ не,
Поклик надир
Бу жаҳонда?
Улар бари
Асли нисбий
Тушунчадир.
Ўзгачадир
Ҳар инсонда,
Ҳар замонда.*

Ҳар икки ижодкор туйғулари улкан шоирлардир. Шу боис ҳам улар ижоди умумбашарий го-

ларни ўзида акс эттириши ва тараннум этиши билан характерлидир. Биз юқорида икки муаллиф саёҳатномаларидан ўрин олган бир неча шеърини қиёсий таҳлил этдик, холос. Ваҳоланки, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижодларида бу каби мазмуний алоқадорлик бисёр. Аммо бир нечта шеърлар чоғиштирувининг ўзиёқ шуни кўрсатадики, ҳар икки шоир саёҳатномаларидаги ижод намуналари юксак бадиияти, жозибаси билан адабиёт оламида алоҳида ўринни забт эта олди. Саёҳатномалардаги шеърлар ўзида умумбашарий гоёлар ва туйғуларни акс эттира олиши билан характерли ва умрбоқийдир.

Резюме: "Сатрлар замиридаги моҳият" мақола-сида икки буюк ижодкор Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг чет мамлакатларга сафарлари натижасида яратилган шеърлар ўзаро қиёс этилади. Иккала муаллиф ижодидидаги ҳамоҳанглик, туйғудошлик асносида инсоният тақдири, қалби акс этган шеърлар моҳиятига назар солинади. Мақолада қиёсий аспектда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов саёҳатномалари бадиий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилади.

Резюме: В статье "Сущность внутри строк" сопоставляются стихотворения, созданные после заграничных поездок двух выдающихся поэтов Абдуллы Орипова и Эркина Вахидова. Уделяется внимание на созвучность чувств, отражавшихся в стихотворениях обоих авторов. Анализируется в сопоставительном аспекте путевые записки поэтов с точки зрения художественности и социальной.

Resume: The poems of Abdulla Oripov and Erkin Vohidov which were written during their travels in foreign countries are compared in the article „Essence in lines”.

There are taken into consideration the meaning in poems of two authors where described similar senses of human's soul and fortune. A.Oripov and E.Vohidov's travel journeys are analyzed literally and socially in this article.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Орипов А. Эверест ва Уммон, Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Орипов А. Танланган асарлар. II жилд, Т.: Фа-фур Фулом, 2001.
3. Орипов А. Танланган асарлар. II жилд, Т.: Фа-фур Фулом, 2001.
4. Орипов А. Қуёш бекати, Т.: Шарқ, 2010.
5. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. Т.: Янги аср авлоди, 2002.
6. Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. II жилд. Т.: Шарқ, 2000.
7. U.Hamdham. Badiiy tafakkur tadriji. T.Yangi asr avlodi. 2002.